

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

537 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сонли Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сонли қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий алоқалар вазириликнинг хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларини давлат-ҳиссадорлик компанияларига айлантириш тўғрисида» 1995 йил 14 августдаги ПФ-1212-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармонининг 9-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирилиги, Ўзбекистон «Сифат» маркази, бошқа манфаатдор вазириликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз меъерий хужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазириликнинг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазирасини бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 15 ноябрь,
ПФ-4856-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 15 ноябрдаги
ПФ-4856-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамгармасини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли Фармони 8-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) тўртинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сонли Фармони 2-бандидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро ўзбек пахта ярмаркасини ҳар йили ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 8 ноябрдаги ПП-217-сонли қарорида:

а) 2-иловадаги «Ф.Б. Омонов — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раиси» сўзлари «А.С. Камалов — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

«Ф.Б. Омонов — «Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқаруви раиси» сўзлари «А.С. Камалов — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

« — «Ўзмарказимпэкс» ДАТК бошқаруви раиси», « — «Ўзинтеримпэкс» ДАТК бошқаруви раиси», « — «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАК бошқаруви раиси» ва «Ф.Ш. Заргаров — «Ўзташқитранс» ДАК бошқаруви раиси» сўзлари «Ж.Ж. Қодиров — «Ўзпахтаэкспорт» АЖ бош директори — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раисининг ўринбосари» ва «Я.С. Хидиров — «Ўзпахтасаноат» АЖ бош директори — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқаруви раисининг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-330-сонли қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «ташқи савдо компаниялари» сўзлари «ташқи савдо компаниялари ва «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 31 майдаги ПҚ–360-сонли қарорида:

а) 1-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК ўз таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон «Сифат» маркази билан биргаликда»;

б) 6-бандининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК, ёғ-мой ҳамда пахта тозалаш саноати корхоналари раҳбарлари зиммасига тегишли тарзда».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик соҳасининг иқтисодий ночор корхоналарини сотиб олган ёки ишончли бошқарувга қабул қилган инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 сентябрдаги ПҚ–474-сонли қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пахта толасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ўзпахта-экспорт» АЖ орқали хорижий валютага харид қилиш механизми».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ–733-сонли қарорининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Республиканинг пахта толасини қайта ишлайдиган барча корхоналари учун пахта толасини эркин айирбошладиган валютада тўғридан-тўғри шартномалар бўйича «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси орқали қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларга мувофиқ харид қилишнинг ягона тартиби ўрнатилсин.»

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ–1758-сонли қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «уюшмаси» сўзи «АЖ» қисқартма сўзи билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ–2340-сонли қарорининг 2-илоvasидаги 277 — 281-позициялар чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июлдаги ПП–2374-сонли қарори билан тасдиқланган Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментининг тузилмасида «Мутасаддилик қилнадиган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари» бўлимидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.